2-ŞÖBA · ÇORVAÇILIK VA HAYVONLAR MAHSULDORLIGI

ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ИНСОН ИСТЕЪМОЛИДА АҲАМИЯТИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ю.Худаярова

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали магистранти

DOI
10.66073/ReFocus-Conf/1311087

NASHR SANASI
13.11.2026 · Nukus

SAHIFALAR
432–436

NASHR HAMKORI
Research Focus
ISSN 2181-3833

IQTIBOS UÇUN Худаярова Ю. Гўшт маҳсулотларининг инсон истеъмолида аҳамияти ва кўрсаткичлари // Veterinariya meditsinasi va çorvaçilikdagi dolzarb muammolar va ularning yeçimlari: xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari. – Nukus, 2026. – B. 432–436. – DOI: 10.66073/ReFocus-Conf/1311087

АННОТАЦИЯ Республикамиз рахбарияти томонидан чорвачиликни ривожлантиришга ва шу асосда аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга катта эътибор берилган. Дунё халқларини аҳоли сонига нисбатан ўртача гўшт ва гўшт маҳсулотларини истеъмол миқдори ёритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР мол, қўй, чўчқа, гўшт, истеъмол даражаси

АННОТАЦИЯ Руководство нашей республики уделяет большое внимание развитию животноводства и на этой основе полному обеспечению населения мясом и мясной продукцией. Освещает средний объем потребления мяса и мясной продукции по отношению к численности населения народов мира.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА говядина, баранина, свинина, мясо, уровень потребления

ABSTRACT The average consumption of meat products in relation to the population of the peoples of the world, which is given great attention by the leadership of our republic to the full provision of its population with meat and meat products, is illuminated.

KEYWORDS beef, sheep, pork, meat, consumption level

Буюк Британиянинг “The Economist” нашрининг аналитикларини дунё халқларини гўштни истеъмол қилиниши бўйича рейтинг кўрсаткичларини тузган. Бунда дунёнинг 170 та мамлакат халқларини гўштни (мол, чўчқа, парранда, қўй ва бошқа турдаги гўшт) истеъмол қилишини ўртача кўрсаткичи аниқланган ва таҳлил қилинган. Рейтингда барча турдаги гўштлар истеъмоли ҳисобга олиниб уларнийиғинди кўрсаткичлари келтирилган. Тахлиллар шуни кўрсатадики, дунёда гўштниэнг кўп миқдорда Люксембург ахолиси истеъмол қилар экан. Бу давлатда 502 минг аҳоли яшайди. Бироқ ҳар бир Люксембурглик бир йилда ўртача 136.5 кг гўшт истеъмол қилса, шундан 43.8 кг мол гўшти, 45.5 кг чўчқа гўшти, 39.8 кг товуқ, 1.7 кг қўй гўшти ва 5.8 кг бошқа турдаги гўштларга тўғри келади. Ёш, боқилган чўчқа гўштидан таёрланган (бекон) гўштини

истеъмол қилиш бўйича Америкаликлар 2 чи ўринда ва улар Люксембургликлардан 10 кг атрофида орқада туради.

Америка қўшма штатлари ахолисини истеъмол қилинаётган гўштни миқдори бир кишига ўртача 125.4 кг.ни ташкил этади. Америкаликлар товуқ гўштини истеъмол қилиш бўйича Люксембург аҳолисидан юқорида (51.8кг) туради. Бироқ бу кўрсаткич бўйича Америкаликлар Исроил давлатидан кейинги ўринда туради. Исроил халқи бир йилда ўртача 67.9 кг товуқ гўшти истеъмол қилади. Антигуа ва Барбуда (58кг) ва СентЛюсия (59кг) гўшт маҳсулотлари истеъмол қилади.

Гўштни кўп истеъмол қилувчи давлатлар учлигини Австрия давлати эгаллайди. Улар бир йилда ўртача 121.2 кг гўшт истеъмол қилишади.

Собиқ иттифоқ давлатларидан Россия федерацияси гўшти истеъмол қилиш бўйича 56 ўринда туради.

Статистик маълумотларга кўра ҳар бир россиялик бир йилда ўртача 60.3 кг гўшт истеъмол қилади. Шундан 22.1 кг товуқ гўштига, 18.0 кг чўчқа ва 17.6 кг мол гўштига тўғри келади. Бир килограммдан ортиқ қўй ва бошқа гўштлар ташкил этади.

Гўштни истеъмол қилиш бўйича умумий кўрсаткичлари билан Россиядан бироз юқори ўринда Латвия давлати туради. Уларни умумий истеъмол даражаси 60.7 кг.ни ташкил этади. Латвиядан кейинги навбатда Панама давлати туради. Бу давлат аҳолиси ўртача йилига 60кг, шундан ярмидан кўпи товуқ гўштига тўғри келади. Хитой давлати рейтинг кўрсаткичлари бўйича 66 чи ўринни эгаллаган. Хар бир хитойлик бир йилда жами 54.1 кг гўшт истеъмол қилади.

Австрияликлар бир йилда чўчқадан тайёрланган таомларни истеъмол қилишда юқори ўринларда туради ва унинг кўрсаткичи ўртача 66кгни ташкил этади. Умумий рейтинг бўйича бу давлат 7 чи ўринни эгаллайди. Худди шундай янги Зеландияда (60.9) ва Германияда (55.6) чўчқа гўштини севиб истеъмол қиладилар. Гўштни истеъмол қилиш кўрсаткичлари жиҳатидан Германия давлати 21 чи ўринда туради. Агар чўчқа гўшти билан солиштирганда уларни мол ва товуқ гўшти 13.2 ва 5.5 кг.га тўғри келади. Хитойликлар гўштларни чўчқа гўштини истеъмол қилишни хуш кўрадилар. Улар 33.3 кг чўчқа, 4.7 кг мол гўшти, 12 кг товуқ ва 1.1 кг қўй гўшти истеъмол қилишади.

Дунёда қўй гўшти кам истеъмол қилинади. Қўй гўштини энг кўп Монгол халқи истеъмол қилишади ва аҳоли бошига бир йилда ўртача 40.7 кгни ташкил этади. Улар чўчқа ва товуқ гўштини қарйиб истеъмол қилишмайди. Монголлар гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш рейтингида дунёда 47 ўринни эгаллайди. Қўй гўштини истеъмоли бўйича Монголиядан кейин Исландия давлати эгаллайди ва бир йилга бу гўштни улуши 24.7 кг.ни ташкил этади. Бу кўрсаткич янги Зеландия давлатида бир оз паст натижани (23.1кг) кўрсатади.

Дунё аҳолиси ичида Ҳинд давлати халқлари гўштни истеъмол қилиш бўйича рейтинг кўрсаткичлари буйича энг охирги ўринни эгаллайди. Улар йилига ўртача 3.2 кг истеъмол қилишади. Асосан мол, қуй, чўчқа ҳамда товуқ гўштига тўғри келади.

Хайвонот гўштларини истеъмол қилиш бўйича Бангладеш (4кг) ва Конго Демократик республикаси хам (4.7кг) рейтинг кўрсаткичлари бўйича паст ўринларни эгаллайди.

Аналитикларнинг умумий якуни бўйича шуни айтиш мумкинки, дунёда гўшт ва гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ер шари аҳолиси йил сайин кўпайиб бормоқда. Аҳоли сонини ортиб бориши эса ўз-ўзидан хом ашёга бўлган талабни ҳам ортиб боришига олиб келади. БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларини ҳисоблашларича чорвачиликдан ажралаётган иссиқхона газлари 18% ни ташкил этаётган бўлса, фақат автомобиллар, поездлар ва самолётлардаги газлар эса 13% ни ташкил этади. Тадқиқотчиларнинг статистик маълумотларини солиштириладиган бўлсак, 50 йил олдин дунё бўйича йилига 70 млн тонна гўшт истеъмол қилишар эди. Бу кўрсаткич 2007 йилга келиб 268 млн тоннага ошди. 1961 йилда ер шари аҳолисига 22 кг гўшт тўғри келса, хозирда эса ўртача 40 кг.дан ошган. Аввалари (5 йил олдин) гўшт танлашда мол ва бузоқ гўштига (40%) эътибор қаратилган эди. Бу кўрсаткич 2007 йилга келиб 23% га камайди. Қишлоқ хўжалигининг ютуқларини ривожланиши оқибатида товуқ гўштини истеъмоли 12% дан 31% га ошди.

Экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра гўшт маҳсулотларини ўсиши бир йилда 10% атрофида тўғри келмоқда. Шунга қарамасдан Ўзбекистон ҳукумати ушбу кўрсаткични 2015 йилда 12.1% га оширди.

2025 йилнинг бошларига келиб гўшт ва гўшт маҳсулотларини 35% ортиши ва ўртача бир йилда бир одам сонига 55 кг тўғри келиши кўзда тутилмоқда. (иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан прогноз қилинмоқда)

Республикамизда гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари етакчилик қилмоқда. Уларни ишлаб чиқаришдаги улуши умумий гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 36% га тўғри келади ва 375000 тоннани ташкил этади.

Гўшт соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан “Озиқ-овқат саноати корхоналари” ассоцацияси ташкил этилди. Бу ассоцацияга давлатнинг 20 дан ортиқ йирик ишлаб чиқарувчилари киритилди. Жумладан “TegenGroup”, “Geomaxplus”, “Rozmetov Z”, “Поток маҳсулот” ва бошқалар.

Бу ишларни амалга оширишда комплекс чоралар ишлаб чиқилди. Уларга жисмоний шахслар учун солиқ 50% га камайтирилди. Бундан ташқари давлатни тижорат банкларида махсус кредит линиялари, технологик жиҳозлар сотиб олиш учун ва ишлаб чиқариш учун лизинг хизматлари йўлга қўйилди.

2018 йилнинг якуни бўйича Республикамизда гўшт ва гўшт маҳсулотларини ўртача истеъмол қилиш 1.423704 тоннани ташкил этди. Агар бу кўрсаткични Республикамизни аҳоли сонига солиштирадиган бўлсак ўртача 43.2 кг тўғри келади.

2026 йил апрель ойида Ўзбекистонда истеъмол нархлари индекси ойлик ҳисобда 0,6 фоиз, йиллик ҳисобда эса 7 фоизга ошди.

Нархлар ўсишига асосий таъсирни озиқ-овқат маҳсулотлари кўрсатган — ушбу гуруҳ ойлик инфляциянинг 62,7 фоизини шакллантирган.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, апрель ойида асосий озиқ-овқатлар орасида гўшт маҳсулотлари энг кўп қимматлашган. Бир ойда қўй гўшти 3,7 фоиз, суякли мол гўшти 3,2 фоиз, суяксиз мол гўшти 3,2 фоиз, гўшт қиймаси 2,9 фоизга ошган.

https://doi.org/10.66073/ReFocus-Conf/1311087

Йиллик ҳисобда эса қўй гўшти 20,3 фоиз, суякли мол гўшти 16,6 фоиз, суяксиз мол гўшти 17,3 фоиз, гўшт қиймаси 14,1 фоизга қимматлаган.

Қўмита изоҳига кўра, апрелда импорт мол гўшти нархи бир килограмм учун 5 минг сўмдан 15 минг сўмгача, маҳаллий мол гўшти эса 2 минг сўмдан 5 минг сўмгача ошган.

Марказий Банкнинг 13 майдаги маълумотига кўра, мол гўшти 0,5 фоизга қимматлашиб, 120 106 сўмга етди. Қўй гўштида ҳам 0,6 фоизлик ўсиш қайд этилди ва маҳсулот 131 595 сўмни ташкил қилди.

Улгуржи бозорда ҳам қўй гўшти нархи ўсишда давом этмоқда. 18 май ҳолатига кўра, қўй гўштининг улгуржи нархи айрим максимум нуқталарда яна 10 минг сўмга ошиб, 130 минг сўмгача етган. Нархнинг кескин ошиши асосан совутилган импорт гўшт ҳисобига юз бермоқда. Мол гўшти улгуржи нархида эса ҳозирча сезиларли ўзгариш қайд этилмаган.

Гўшт нархидаги ўсиш сўнгги икки йилда ҳам сезиларли бўлган. 2024 йилда суякли мол гўшти 13,3 фоиз, қўй гўшти 14,6 фоизга қимматлашган. 2025 йилда эса суякли мол гўшти 23,9 фоиз, суяксиз мол гўшти 25 фоиз, қўй гўшти 26,8 фоизга ошган.

Қўшниларда нархлар қандай?

Минтақавий таққослашлар ҳам Ўзбекистонда гўшт нархи юқори даражада қолаётганини кўрсатади. The Times of Central Asia маълумотларига кўра, 2026 йил май ойи бошида мол гўшти Тожикистонда 1 кг учун 10–11 доллар, Ўзбекистонда ўртача 10,85 доллар, Қозоғистонда 8,66 доллар, Қирғизистонда 7,6 доллар, Туркманистонда эса 7–7,5 доллар атрофида баҳоланган.

2025 йилдаги маълумотларда ҳам Ўзбекистонда қўй гўшти нархи минтақадаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлган:

Тошкентда қўй гўшти 8,1 доллар, Душанбеда 7,5 доллар, Бишкекда 6,7 доллар, Олмаотада 6,5 доллар, Остонада 6,3 доллар атрофида қайд этилган.

Энг қиммат гўшт Швейцарияда, лекин маош бўйича ҳам бу давлат рўйхат бошида! Жаҳон миқёсида эса мол гўштининг энг қиммат нархи

Швейцарияда кузатилмоқда — у ерда 1 килограмм гўшт нархи 45,7 долларга етади. Кейинги ўринларда Норвегия (32,6 доллар), Люксембург (27 доллар), Жанубий Корея (25,2 доллар) ва Сингапур (25 доллар) турибди.

Энг арзон мол гўшти эса Нигерияда қайд этилган — 4,5 доллар. Шунингдек, Покистон (4,7 доллар), Кения (5,1 доллар), Ҳиндистон (5,3 доллар) ва Непалда (5,4 доллар) ҳам гўшт нархи нисбатан паст ҳисобланади.

Собиқ СССР давлатлари орасида энг қиммат мол гўшти Болтиқбўйи мамлакатларида сотилмоқда. Хусусан, Эстонияда 1 килограмм мол гўшти 20,4 доллар, Латвияда 13,7 доллар, Литвада эса 12,4 доллар атрофида.

Ўртача юқори нархлар Арманистон (11,5 доллар), Россия (10,8 доллар), Озарбайжон (10,6 доллар) ва Грузияда (9,9 доллар) кузатилган.

Нисбатан арзон бозорлар қаторига Беларусь (9,2 доллар), Молдова (8,5 доллар) ва Украина (7,2 доллар) кирган.

Бир қарашда Швейцария, Норвегия ёки Сингапурда гўшт нархи Ўзбекистонга нисбатан бир неча баробар қиммат. Аммо даромадлар билан солиштирилганда манзара ўзгаради. Ривожланган давлатларда 1 кг мол гўшти ўртача ойлик маошнинг

0,4–0,6 фоизини ташкил этса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2 фоиздан юқори. Яъни гўштнинг номинал нархи эмас, уни сотиб олиш учун аҳоли даромадининг қанча қисми сарфланиши муҳим кўрсаткич бўлиб қолмоқда

Биз кўп гўшт еймизми?

Ўзбекистон гўшт истеъмоли бўйича дунёда энг юқори кўрсаткичларга эга давлатлар қаторига кирмайди. Турли халқаро ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда бир киши йилига тахминан 40–41 кг гўшт истеъмол қилади. Бу жаҳон ўртача кўрсаткичига яқин. Таққослаш учун, АҚШ ва Аргентина каби давлатларда бир киши йилига 90–100 кгдан ортиқ гўшт истеъмол қилади. Норвегия(55–60 кг), Люксембург ва Сингапурда эса 70 кгдан юқори.

Гўшт истеъмолида ҳам даромад омили муҳим. Бурунди, Нигер ёки Чад каби давлатларда йиллик гўшт истеъмоли 3–6 кг атрофида.

Ўзбекистон аҳолиси гўштни кам истеъмол қиладиган давлатлар қаторига ҳам, энг кўп истеъмол қиладиган давлатлар қаторига ҳам кирмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти www.stat/uz
3. www.xs.uz веб саҳифаси

https://doi.org/10.66073/ReFocus-Conf/1311087